

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ЭРКИН АМОНГЕЛДИЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТАШҚИ ЎТ ЙЎЛЛАРИ КИСТОЗ КЕНГАЙИШНИ
ТАШҲИСОТИ ВА ДАВОСИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Якубов Эркин Амонгелдиевич

Болаларда ташқи ўт йўллари кистоз кенгайишини ташҳисоти ва давоси..... 3

Якубов Эркин Амонгелдиевич

Диагностика и лечения кистозного расширения наружных желчных протоков у детей..... 21

Yakubov Erkin Amongeldievich

Diagnosis and treatment of cystic expansion of the external bile ducts in children..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЯКУБОВ ЭРКИН АМОНГЕЛДИЕВИЧ

**БОЛАЛАРДА ТАШҚИ ЎТ ЙЎЛЛАРИ КИСТОЗ КЕНГАЙИШИНИ
ТАШҲИСОТИ ВА ДАВОСИ**

14.00.35 – Болалар хирургияси

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.1.PhD/Tib144 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Научный руководитель: **Эргашев Насриддин Шамсиддинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Официальные оппоненты: **Алиев Махмуд Муслимович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор
Акбаров Миршавкат Миролимович
тиббиёт фанлари доктори

Ведущая организация: **Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги «Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети» Олий касбий таълим федерал давлат бюджет муассасаси**

Диссертация химояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертация билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (42-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик халқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «овқат ҳазм қилиш аъзолари нуқсонлари ҳамма туғма нуқсонларнинг 20-25% ини ташқил қилади ва болалар гастроэнтерологиясида долзарб муаммо ҳисобланиб, нуқсонни ижтимоий жихатдан аҳамиятли муаммолар даражасига чиқаради»¹. «Ўт йўллари кистоз кенгайишининг (ЎЙКК) частотаси жаҳоннинг турли мамлакатларида 13000 - 2 миллион аҳолидан 1 та ҳолатга тўғри келади ва ўт йўллари тизимининг барча ўсмасиз касалликларининг 1% га яқинини ташқил этади»². Бироқ сўнгги пайтларда маҳаллий ва хорижий адабиётларда болалар ва катталар ўртасида ушбу хасталик билан касалланиш ҳолатининг ортганлиги ҳақида нашр этилган маълумотлар бу патологиянинг кам учрашини инкор этмоқда. Клиник ташҳислашни қийинлиги ушбу касалликни ўз вақтида аниқланмаслигига ва нотўғри даволанишига сабабчи бўлади ва натижада холангит, холецистит ва панкреатит ривожланишига олиб келади. Клиник амалиётга замонавий ташҳислаш усулларининг татбиқ этилишига қарамай, ҳозирга қадар касалликнинг кеч аниқланиши, асоратларнинг ривожланиши ҳолатлари кузатилмоқда, ҳамда кистоз кенгайишларнинг клиник манзараси билан ушбу патологиянинг анатомик шакллари ўртасида боғлиқлик мавжудлигини тасдиқловчи диагностик мезонлар мавжуд эмас.

Дунё миқёсида болаларда ЎЙККни ташҳислашни такомиллаштириш, хирургик даво сифатини ошириш мақсадида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, шу жумладан, болаларда ЎЙККни кеч ташҳисланишини, асоратлар юзага келишини, диагностик ва тактик хатоликларнинг сабаби ўрганилмоқда, уларнинг профилактика чоралари ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирги кунда болаларда ЎЙККнинг ҳажми ва анатомик шаклига боғлиқ бўлган оптимал тактика ва хирургик даво усулини аниқловчи турли оператив амалиётлар самарадорлигининг таҳлили муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади ва бу, ўз навбатида, кўрсатилаётган тиббий ёрдамни сифатини ошишига олиб келади. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу илмий тадқиқот болаларда ЎЙКК ташҳисоти сифатини оширишга ва хирургик даво натижаларини яхшилашга, жигардан ташқи ўт йўллари анатомо-физиологик ҳолатини ҳисобга олган ҳолда диагностикани оптималлаштириш ва оптимал даво тактикасини танлашга бағишланган.

Бугунги кунда, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш шароитида, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифатини таъминлаш ва юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кўрсатиш устувор йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу муаммонинг ҳал қилиниши аҳоли ўртасида касалланиш даражаси ва ўлим кўрсаткичини камайтиришга қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ World Health Organization. Pediatric gastroenterology: fact sheet no. 12. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs12/en>, accessed February 14

² Ma W, Tan Y, Shrestha A, Li F, Zhou R, Wang J, Hu H, Yang Q. Comparative analysis of different hepatico-jejunostomy techniques for treating adult type I choledochal cyst. // Gastroenterol Rep (Oxf). 2018 Feb;6(1):54-60.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ»³. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, болаларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдамни ривожлантириш ва такомиллаштириш, болаларда ЎЙКК диагностикаси, хирургик амалиёт тактикаси ва усулини танлашни оптималлаштириш асосида хирургик даво натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилинч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. ЎЙКК – билиар трактнинг кам учрайдиган ривожланиш нуқсонларидан бири бўлиб, жигардан ташқи ҳамда жигар ичи ўт йўллари зарарлайди. Юқори информатив диагностик усулларининг татбиқ этилиши «болаларда ўт ажратиш йўллари (ЎАЙ) ривожланиш нуқсонлари диагностикаси сифатини ижобий ўзгартирди» (Berger Y⁴). Francesca Pecchini⁵ фикрига кўра, «яққол клиник кўринишларнинг мавжуд эмаслиги постнатал диагностикани қийинлаштиради, натижада, холангит, панкреатит, механик сариклик, ўтли перитонит, холедохолитиаз, жигар билиар циррози ва холангиокарцинома ривожланиши кўринишидаги асоратлар юзага келади». Ўт йўллари кистасида амалиёт ҳажмини танлашда ҳамжиҳатликни йўқлиги турли операция усулларини узоқ натижаларини ўрганиш ва баҳолашни талаб этади (Quintana A⁶).

ЎЙКК давоси фақат хирургик бўлиб, бунда бир неча хил амалиёт усуллари мавжуд. ЎЙКК билан касалланган беморларни оптимал, радикал хирургик даволаш масаласи ҳозиргача долзарб бўлиб қолмоқда. Кўплаб олимлар томонидан ЎЙККни даволашда кенг тарқалган Roux усули бўйича кистани радикал кесиб олиб ташлаш ва гепатикоэнтеростомия (ГЭС) қўйишнинг мақсадга мувофиқлиги тасдиқланган. Banks JS⁷ раҳбарлигида Майами

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

⁴ Berger Y., Superina R.A., Zbar A. et al. A case series of congenital hepatic hilar cyst: recommendations for diagnosis and management. The Israel Medical Association journal. – 2015. – Vol. 17 (1) – P. 32–36.

⁵ Francesca Pecchini, Barbara Catellani, Sara Acciuffi, Roberta Gelmini: Choledochocoele: Choledochal Cyst Or a Distinct Entity? Gastroenterology and Hepatology. - 2017. - Vol.2 - №1. - P. 1 – 8.

⁶ Quintana A, Sathyanarayana SA. Type VI Choledochal Cyst: An Unusual Case of a Bile Duct Anomaly. // Am Surg. 2018 Mar 1;84(3):462-465.

⁷ Banks JS, Saigal G, D'Alonzo JM, Bastos MD, Nguyen NV. Choledochal Malformations: Surgical Implications of Radiologic Findings. // AJR Am J Roentgenol. 2018 Apr;210(4):748-760.

университети олимлари томонидан 40 та беморда кистоз ўзгарган ўт йўллари кесиб, билиар реконструкция қилиш вариантларини солиштирма таҳлили ўтказилган. Ўтказилган текширувлар шуни кўрсатадики, «ЎАЙни энг мақбул реконструкцияси Roux усули бўйича ГЭС қўйишдир». Бу йўналиш бўйича академик В.Вохидов номидаги РИХИАТМда Ф.Г. Назиров⁸ раҳбарлигида катта ёшли беморларда ЎЙККни диагностикаси ва даволаш бўйича клиника натижалари умумлаштирилган. РШТЁИМда Х.А. Акилов⁹ бошчилигида билиодигестив анастомоз (БДА) чандикли торайиши профилактикаси бўйича болалар ва катталарда умумий ўт йўли (УЎЙ) кистасини кесиш ва каркастан фойдаланиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, ЎЙККли болаларни хирургик даволаш натижалари анчагина яхшиланган, бу ҳолда болаларни комплекс даволашга тактик ёндашиш, хирургик йўналишни ривожлантириш истиқболлари ва натижаларини баҳолаш даволашни асосий долзарб ва белгилувчи муаммолардан бўлиб қолмоқда, бу эса даволаш-диагностик тактикани янада такомиллаштиришни талаб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг «Болаларда туғма ва орттирилган касалликлар диагностикаси, даволаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги 0190006703-сон фундаментал илмий дастур доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишини ташхислаш, даво тактикаси ва операция усулини оптималлаштириш асосида даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда ЎЙККнинг клиник кечиш вариантлари ва анатомик шакллари аниқлаш;

болаларда ЎЙККнинг кеч аниқланиши, асоратланиши, диагностик ва тактик хатолар сабабларини ўрганиш ва уларнинг олдини олишнинг самарали чораларини ишлаб чиқиш;

болаларда ЎЙККни ташхислашнинг турли усуллари самарадорлигини баҳолаш ва ультратовуш ташхислаш усулини такомиллаштириш;

болаларда ЎЙККни ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқиш ва ташхислаш усулларини оптималлаштириш;

болаларда ЎЙККнинг анатомик шакли ва ўлчамларини ҳисобга олган ҳолда операция усули ва оптимал даво тактикасининг аниқлаш, турли жарроҳлик аралашувларининг самарадорлигини таҳлил этиш;

жигардан ташқи ўт йўллари кисталарини радикал кесиб олиб ташлашда клапанли гепатико-ёки холедоходуоденал анастомоз қўйиш усулини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш.

⁸ Назиров Ф.Г., Акилов Х.А., Асабаев А.Ш. и др. Выбор метода диагностики и тактики хирургического лечения при кистозном расширении внепеченочных желчных путей// Хирургия Узбекистана. – Ташкент, 2002. – №4. – С. 39-42

⁹ Акилов Х.А., Матякубов Х.И., Ли Э.А. Современные аспекты хирургического лечения врожденных кистозных трансформаций желчевыводящих путей у детей// Хирургия Узбекистана. – Ташкент, 2014. – №3. – С. 6.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1979 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида ЎЙККли 76 нафар бола, шунингдек, ушбу нуқсонга ўхшаш белгиларга эга бўлган 4 нафар бола (жигар солитар кистаси - 2, ўт пуфаги (ЎП) иккиланиши – 1, ЎП истисқоси – 1) олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб хирургик даволаш босқичларида болаларнинг соматик статуси ва овқат ҳазм қилиш трактининг анатом-функционал ҳолатини комплекс баҳолаш маълумотлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, лаборатор, инструментал (ультратовуш, рентгенологик, КТ, МРХПГ, эндоскопик), морфологик ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўт йўллари кистоз кенгайиши билан касалланган болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга ва асоратлар частотасини камайтиришга қаратилган янги хирургик даволаш усули ишлаб чиқилган;

болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишининг клиник кечиши, қўшимча ташҳислаш усуллари ва интраоперацион холангиография натижалари тизимлаштирилган ва анатомик шакллари ажратилган;

ўт йўллари кистоз кенгайишининг клиник намоён бўлиши, кечиши, асоратлар характери нафақат кистоз кенгайишлар шакли ва ўлчамига, балки жигардаги ўзгаришларга (туғма ёки орттирилган) ҳам боғлиқлиги, ўт йўллари кистоз кенгайишлари билан меъда ости беши йўллари ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

ўт йўллари кистоз кенгайишининг асоратланган ва асоратланмаган шаклларини хирургик коррекция қилишга оптимал ёндашув илмий асослаб берилган; кистани радикал ёки қисман кесиш, ички дренажлаш ёки кисто-ҳамда холецистостома ёрдамида ўтни ташқарига чиқаришнинг турли усулларига оид кўрсатмалар белгиланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўтказилган таҳлил ЎЙККнинг клиник-анатомик шаклларини тасдиқлаш учун операция олди ва интраоперацион комплекс текширувларнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатиб берган;

ЎЙККни жигарнинг солитар ва паразитар кисталари билан дифференциал ташҳислашда функционал эхохолецистографиянинг юқори маълумотлилиги аниқланган;

амалиётга клапанли гепатикодуоденостмияни (ГДС) татбиқ этилиши ўтнинг ўн икки бармоқ ичакка (ЎИБИ) оқишини таъминлаб, дуодено-билиар рефлюкс ҳолатларини камайтириш имконини берган;

диагностик ва тактик хатолар, асоратлар сабабларини таҳлил қилиш ЎЙККли болаларни эрта ташҳислаш ва хирургик даво тактикаси сифатини яхшилаш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланган замонавий, амалиётда кенг қўлланувчи клиник,

лаборатор, ультратовуш, рентгенологик, компьютер томографик, эндоскопик усуллар билан тасдиқланган. Олинган барча натижа ва хулосалар далилий тиббиёт принципларига асосланган. Статистик ишлов бериш олинган натижаларнинг ишончилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЎЙКК билан оғриган болаларни ташхислаш ва хирургик даволаш масалалари бўйича замонавий ёндашувларни умумлаштиришдан иборат. ЎЙККнинг асоратланган ва асоратланмаган турларида кистани радикал ёки қисман кесишга кўрсатмалар, оптимал тактика, ўтти ички дренажлаш ёки кисто- ёки холецистостома ҳолидаги ташқи дренажлаш усуллари асосланган. Тадқиқотда ЎЙККни даволашда ўт-сафрони ЎИБИКа тушишини таъминловчи ишлаб чиқилган хирургик даво усуллари, кистоз кенгайишнинг анатомик шаклига кўра операциянинг турли усулларига дифференциал ёндашувларнинг мақсадга мувофиқлиги, физиологик маъқуллиги ва самарадорлиги исботлаб берилган. Олинган натижалар даво-профилактик соҳа муассасалари учун мўлжалланган илмий асосланган тавсияларда умумлаштирилган, болаларда ЎЙККни диагностикаси ва даволаш бўйича магистр ва клиник ординаторларни ўқитиш дастурининг таркиби ва структурасини такомиллаштириш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, УТТ, КТ ва интраоперацион холангиографиядан (ИОХГ) фойдаланиб ЎЙККни эрта ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган, бу эса болаларда ушбу патологияни эрта ташхислашни яхшиланишига олиб келган. Операциядан олдинги ва кейинги даврда ЎЙККни баъзи шаклларига хос белгилар умумлаштирилган. “Ўт ҳайдовчи нонушта” билан функционал эхохолецистография ўтказилиши усулнинг сезгирлиги ва хослик томонларини ошириши исботланган. Кистоз кенгайишларнинг клиник кўринишлари, анатомик шакллари, қўшимча ташхислаш усуллари натижаларини тизимлаштириш болалардаги ЎЙККда эрта ташхислаш ва хирургик даволашни оптималлаштириш имконини берди. Бирламчи ва қайта операция қилинаётган болаларда кистоз кенгайишнинг турли вариантлари ва асоратларидаги хирургик тактиканинг оптимал усулларига кўрсатмалар ишлаб чиқилган ва таклиф қилинган. Таклиф қилинган амалиёт усули ўтнинг ошқозон-ичак тизимига физиологик оқишини ва ҳазм тизимининг мотор-эвакуатор функциясини эрта тикланишини таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишининг диагностикаси ва даволаш натижаларини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган “Болаларда холедохнинг ўсмали кенгайишини даволаш усули” га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04889-сон патент, 2014 йил). Таклиф этилган усул ўт йўллари кистоз кенгайиши билан болаларни даволашнинг бевосита ва узоқ муддатдаги натижаларини яхшилаш имконини берган;

“Болаларда ўт йўллари кистоз трансформациялари диагностикасини оптималлаштириш” ва “Болаларда жигардан ташқи ўт йўллари кистоз аномалияларида операция усулларини такомиллаштириш” услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 8н-д/24-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар ўт йўллари кистоз кенгайиши диагностикаси сифатини ошириш ва операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш имконини берган;

ўт йўллари кистоз кенгайиши билан беморлар диагностикаси ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Республика перинатал маркази ва Тошкент шаҳар 2-сон болалар жаррохлик клиник шифохонаси амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 8н-д/24-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Олинган натижаларнинг соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилиши ЎЙККни эрта ташхислаш имкониятларини ошириш, даволашнинг бевосита ва узоқ натижаларини яхшилаш имконини берган. Операциядан кейинги асоратлар сони 64% дан 34,7% га ва ўлим кўрсаткичи 8% дан 4% га камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишининг клиникаси, диагностикаси ва даволашнинг умумий ва долзарб масалалари”**, деб номланган биринчи бобида ЎЙККнинг умумий ва долзарб масалалари, этиологияси ва патогенези, кистоз кенгайишларнинг клиник-анатомик шакллари ва ушбу нуқсонни хирургик даволаш масалаларига бағишланган адабиётлар таҳлили баён этилган. Мунозараларга сабаб бўлган ва келгусида ишлаб чиқишни талаб этувчи баҳсли масалалар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари

ва усуллари баён этилган. Тадқиқот ТошПТИ госпитал болалар хирургияси, болалар онкологияси кафедрасининг клиник базалари (Тошкент 1-сонли ШБКШси ва 2-сонли ШБХКШсининг режали ва шошилич жарроҳлик бўлимлари, ТашПТИ клиникаси, ҳамда ЎзР ССВ РПМ неонатал хирургия бўлими)да 1979-2016 йилларда ЎЙКК билан даволанган 76 нафар бола (60 нафар қиз бола ва 16 нафар ўғил бола), шунингдек ушбу нуқсонга ўхшаш белгиларга эга бўлган 4 нафар бола (жигарнинг солитар кистаси - 2, ЎПнинг иккиланиши - 1, ЎП истисқоси - 1) бўйича ташхислаш ва даволаш натижалари таҳлилига асосланган. Болаларнинг ёши 15 кунликдан то 16 ёшгача бўлган даврни ташкил этади. Клиник кузатувлар таҳлили шуни кўрсатдики, ЎЙКК болаларнинг турли ёш гуруҳларида алоҳида анатомик шакл кўринишида аниқланади.

ЎЙКК билан касалланган беморлар икки гуруҳга тақсимланди. 26 (34,2%) бемор клиникага 1979-2004 йилларда ётқизилган. Ушбу клиник материал муаллиф томонидан ретроспектив тарзда таҳлил этилган (таққослаш гуруҳи). 50 (65,8%) бемор (асосий гуруҳ) эса 2005-2016 йилларда кузатилган. Бу беморларни текшириш ва даволашда муаллиф бевосита иштирок этган.

Кистоз кенгайиш тури бўйича беморларнинг тақсимланиши Alonzo-Lej F. (1959) томонидан таклиф этилган ва кейинчалик Todani T. (1977) ҳамда Lilly JR. (1979) томонидан тўлдирилган таснифга мувофиқ амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

Беморлар ёши ва кистоз кенгайиш турига кўра тақсимланиши (n=76)

Ёш гуруҳлари	I тип		II тип		III тип		IV тип		V тип		АФ		Жами	
	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%	Абс.	%
Янги туғилган чақалоқлар	1	1,3	-	-	-	-	1	1,3	-	-	-	-	2	2,6
29 кунликдан 3 ойликгача	7	9,3	-	-	-	-	3	3,9	-	-	-	-	10	13,2
3 ойликдан 1 ёшгача	6	7,9	-	-	-	-	4	5,3	-	-	-	-	10	13,2
1 ёшдан 3 ёшгача	14	18,4	-	-	-	-	2	2,6	-	-	1	1,3	17	22,3
3 ёшдан 7 ёшгача	19	25	-	-	-	-	4	5,3	1	1,3	-	-	24	31,6
7 ёшдан 11 ёшгача	5	6,6	-	-	-	-	3	3,9	-	-	-	-	8	10,5
11 ёшдан катта	3	3,9	-	-	-	-	2	2,6	-	-	-	-	5	6,6
Жами	55	72,4			-	-	19	25	1	1,3	1	1,3	76	100

Ўт йўллари кистоз нуқсонларидаги диагностик ва тактик хатолар ҳамда улар сабабли юзага келган асоратлар 34 (44,7%) ҳолатда аниқланган. Беморлар клиникага турли ноаниқ ёки мос келмайдиган ташхислар билан ётқизилган. ЎЙКК билан оғриган 76 бемордан 74 (97,4%) нафарида жарроҳлик амалиёти ўтказилган. Битта бола операциягача бўлган даврда жаққол ифодаланган жигар етишмовчилигидан ўлган, Кароли касаллиги билан

оғриган яна битта бола доимий кузатув остида.

ЎЙКК ташхиси операциядан олдин ўтказилган анъанавий клиник-лаборатор ва инструментал (УТТ, КТ, МРХПГ, рентген) текширувлар, ИОХГ ва морфологик текширувлар натижаларига асосан қўйилди (2-жадвал).

2-жадвал

Операциядан олдинги, операция вақтидаги ва операциядан кейин ўтказилган текширув усуллари

№	Текширув тури	Операциягача	Операция вақтида	Операциядан кейин
1	Ультратовуш	73	-	58
2	УТТ ва доплерография	38	-	22
3	Функционал эхохолецистохолангиография	53	-	-
4	Компьютер томография	45	-	32
5	МРХПГ	1	-	1
6	Қорин бўшлиғининг тасвирий рентгенографияси	10	-	24
7	ОИЙнинг контраст рентгенографияси	8	-	22
8	ФЭГДС ва видео-ФЭГДС	12	-	28
9	Интраоперацион холангиография	-	63	-
10	Морфологик	-	-	66

Диссертациянинг “**Болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишининг клиникаси, диагностикаси ва дифференциал диагностикаси**”, деб номланган учинчи бобида болаларда ЎЙККнинг клиник кечиш хусусиятлари баён этилган, комплекс текшириш натижалари келтирилган. Асосий клиник белгилар қориндаги хуружли оғриқлар (24-31,6%), сариқлик (14-18,5%), қорин бўшлиғида пайпасланувчи ўсмали ҳосила (1-1,3%), юқорида санаб ўтилган симптомларнинг турли уйғунлашуви (30-39,4%) ёки “классик учлик” қўринишида (7-9,2%) намоён бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Клиник белгилар ва ёшга кўра беморларнинг тақсимланиши (n=76)

№		0-3 ой	3 ойдан 1 ёшгача	1 ёшдан 3 ёшгача	3 ёшдан 7 ёшгача	7 ёшдан 11 ёшгача	11 ёшдан катта	Жами
1	Оғриқ	1	2	6	8	3	4	24 (31,6%)
2	Сариқлик	8	5	1	-	-	-	14 (18,5%)
3	Қорин бўшлиғида пайпасланувчи ўсмали ҳосила	-	1	-	-	-	-	1 (1,3%)
4	Оғриқ + сариқлик	2	1	5	12	5	1	26 (34,2 %)
5	Оғриқ +ўсмали ҳосила	-	-	1	1	-	-	2 (2,6%)
6	Сариқлик +ўсмали ҳосила	-	-	1	1	-	-	2 (2,6%)
7	Оғриқ + сариқлик + ўсмали ҳосила	1	1	3	2	-	-	7 (9,2 %)
	Жами	12	10	17	24	8	5	76


Қайд этиш лозимки, беморларда кистоз кенгайишнинг учала белгисидан ҳар бирининг кузатилиш частотаси, изчиллиги ва намоён бўлиш даражаси мутлоқ фарқ қилади. Бу кистанинг ўлчами ва тузилиши, яллиғланиш ўзгаришларининг ифодаланиши, билиар тизимдаги функционал бузилишлар ва органик ўзгаришлар, кенгайган УЎЙ билан меъда ости бези (МОБ) йўлининг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Кистоз кенгайган ўт йўллари бўшлиғига МОБ йўли очилса билиар-панкреатик киста ҳосил бўлади. МОБ ширасининг киста бўшлиғига тушиши ферментатив холецистохолангит ривожланишига олиб келади, киста бўшлиғида димланиш ва сафронинг оқиб кетишидаги қийинчилик эса панкреатитни ривожлантиради. Алоҳида симптомларнинг даврий равишда кам учраши, уларнинг қисқа уйғунлашувидан то турғун белгилардан бирининг аниқ устунликка эга бўлиши ёки клиник учлик тарзида намоён бўлиши ушбу касалликка хос ҳисобланади.

Клиник кўринишлар полиморфлиги касалликни аниқлашда қийинчиликларни юзага келтиради. Ортиқча баҳо бериш, бир ёки бир нечта симптомларни нотўғри шарҳлаш ноаниқ ташхис қўйишга, нотўғри даво чораларининг қўлланилишига ва асоратларнинг пайдо бўлишига олиб келади. 71 (93,4%) нафар болада турли асоратлар, шундан 20 (28,2%) нафарида асоратларнинг қўшилиб келиши қайд этилди. Асоратлар характери ва оғирлиги болаларнинг ёши ва кистоз кенгайиш турига боғлиқ бўлди.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ўхшаш клиник белгилар мавжудлигида ташхис қўйилмаган беморларни ўт йўллари кистоз нуқсонларини аниқлаш учун махсус текширувлар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Киста ёки УЎЙнинг меъёрдан ортиқ кенгайишида суст кечадиган перитонит мавжудлиги билиар йўлларда перфорация юзага келиш хавфи юқорилигини ҳисобга олиш зарур. Кистоз кенгайишнинг атипик шаклларида ва умумий ҳамда панкреатик йўлларнинг патологик қўшилишида холелитиаз, жигар ташқи ўт йўлларида деструктив ва склеротик ўзгаришлар, ҳамда киста ёрилиши ёки сохта панкреатобилиар киста шаклланиши учун қўлай шароит юзага келади.

Жигар ва ЎАЙнинг УТТ ЎЙККни ташхислашнинг скрининг усули ҳисобланади. Ўхшаш касалликлар (жигарнинг паразитар ва солитар кисталари) билан дифференциал ташхислашни яхшилаш, шунингдек УТТнинг сезгирлиги ва ўзига хослигини ошириш учун 76 бемордан 53 нафарида (69,7%) “ўт ҳайдовчи нонушта”дан олдин ва кейин динамик функционал эхохолецистография ўтказилди. ЎП ёки кистанинг ўлчами ва шаклини ўзгариши (ёки иккаласидан биттаси) кўринишидаги қисқариши ЎЙККда усулнинг ўзига хослик томонларини оширади (1 - расм).

Операциядан олдинги текширувлар натижалари кистоз кенгайишнинг шаклини, ҳажмини турлилигини ва жигардан ташқи ва жигар ичи ўт йўллари бўйлаб жойлашишини кўрсатди.




1-расм. Ўт ҳайдовчи нонуштадан олдин(а) ва кейин(б) холедохнинг цилиндрсимон кистоз кенгайиши. ЎПнинг қисқариш даражаси 71,5 %, кистоз кенгайган холедохнинг қисқариш даражаси 18 %. Бемор Х., 5 ёш. КТ №1523.


ЎЙКК якуний ташхисини қўйиш ва рационал хирургик ёндашувни танлаш учун ишлаб чиқилган диагностик алгоритмга мувофиқ ўтказилган операциядан олдинги текширувлар ва ИОХГ натижалари ҳал қилувчи аҳамиятга эга (2- расм).

Ишлаб чиқилган диагностик алгоритм ЎЙКК, касалликнинг турли шакллари аниқлаш ҳолатларининг кўпайишига ва беморларда оптимал даволаш тактикасини танлаш имконини берди. 1979-2004 (25 йил) йилларда холедох кисталари 26 (34,2%) ҳолатда ташхисланган бўлса, 2005-2016 (11 йил) йиллар мобайнида - 50 (65,8%) ҳолатда аниқланган. Асосий гуруҳда ЎЙККнинг операциядан олдинги тўғри ташхис қўйилиши назорат гуруҳига – 42,3% (26 нафар бемордан 11 та) нисбатан 90% ни (50 нафар бемордан 45 та) ташкил этди.

Якуний ташхис ва операцияни тугаллаш усули ИОХГ ёрдамида аниқланди ва у операция қилинган 74 бемордан 63 (81,5%) нафарида бажарилди. Мазкур текширув операциядан олдинги УТТ ва КТ текширувлари натижаларини батафсил аниқлаштиради, кистоз ҳосила шакли, ўлчамлари, жигар ички ва ташқи ўт йўллари кенгайиш характерини, бўлак ўт йўллари кенгайишининг симметриклигини ва киста ичига очиладиган қўшимча аномал ўт йўллари аниқлаш имконини беради. Холангиографияда 74 та операция қилинган боладан 5 нафарида (6,8%) умумий ўт ва панкреатик йўллари билан билиар-панкреатик киста шаклланиши билан биргаликдаги ўзаро муносабатлари вариантлари ҳақида қимматли маълумотлар олинди (3-расм).



2-расм. ЎЙҚКнинг диагностика алгоритми.



3-расм. Билиар-панкреатик кисталар ИОХГси (Вирсунгов йўли кўрсатилган)

Кечишига кўра: а) асоратланмаган (n=5); б) асоратланган (n=71): (киста деворининг ёрилиши ёки шиллиқ пардасининг йиртилиши – 6; киста хосиласининг йиринглаши – 1; тош ҳосил бўлиши – 11; жигар фаолиятининг бузилиши – 22; холангит – 12; панкреатит – 7; механик сариклик – 11; киста билан ён атрофдаги аъзоларнинг қисилиши – 1).

Шаклига кўра: копсимон (n=14); цилиндрсимон (n=25); урчуқсимон (n=17); шарсимон (n=20).

УЎЙ терминал бўлимининг ҳолатига кўра:

а) стенозсиз кистоз кенгайиш (n=47);

б) стенозли кистоз кенгайиш (n=16).

Кенгайишнинг билиар трaкти бўйлаб тарқалганлигига кўра:

1) локал кистоз кенгайиш (n=17): а) УЎЙ алоҳида сегментлар давомийлигида кистоз кенгайиши (n=9); б) УЎЙ тотал кистоз кенгайиши (n=8).

2) нолокал кистоз кенгайиш (n=38): а) умумий ўт ва жигар йўллари (n=25); б) умумий ўт ва пуфак йўли (n=5); в) жигар барча ташқи ўт йўллари (n=8).

3) жигар ташқи ва ички ўт йўллариининг диффуз кистоз кенгайиши (n=19): а) симметрик (n=8); б) носимметрик (n=11).

Панкреатобилиар трaкт анатомиясига кўра:

а) билиар кисталар (n=69);

б) билиар-панкреатик кисталар (n=5).

ЎЙККни келтирилган кўринишда тақсимлаш диагностик тактикани танлаш, операция олди тайёргарлиги, операция техникаси ҳарактерини белгилаб олиш имконини беради.

Диссертациянинг “**Болаларда ўт йўллари кистоз кенгайишини хирургик усулда даволаш**”, деб номланган тўртинчи бобида хирургик тактика баён этилган. 74 бемордан 61 (82,4%) нафарида бирламчи операциялар бизнинг клиникамизда ўтказилди; 13 (17,6%) нафар бемор бошқа даволаш муассасаларида ўтказилган бирламчи операциялардан кейин ётқизилган. 62 (83,8%) беморда оператив жарроҳлик аралашувлари режали асосда; 6 (8,1%) беморда шошилинч равишда ва 6 (8,1%) нафарида шошилинч-режали равишда бажарилган.

Бирламчи ёки такрорий операция қилинадиган беморлар учун хирургик тактика индивидуал равишда ИОХГ натижалари, йўлдош касалликлар фониди юзага келадиган асосий касаллик асоратларини ҳисобга олган ҳолда белгиланди. Ташхис қўйилганда хирургик тактика бемор ҳолати оғирлик даражасига ва кистоз кенгайиш шаклларига кўра белгиланади. Клиникада 2005-2016 йиллар мобайнида операция қилинган 49 (66,2%) бемор (асосий гуруҳ) ва 1979-2004 йиллар мобайнида операция қилинган 25 (33,8%) (такқослаш гуруҳи) бемордаги операция характери 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Беморларнинг асосий ва такқослов гуруҳларида ўтказилган операциялар тури (n=74)

		Асосий гуруҳ n=49		Такқослов гуруҳи n=25	
		Абс.	%	Абс.	%
1	Ноадекват операциялар* n=5	2	4,1	3	12
2	Кистани ташқи дренажлаш n=26	17	34,7	9	36
3	Ички дренажлаш операциялари n=43	30	61,2	13	52
	Жами	49	100	25	100

Изоҳ: * паллиатив аралашувларга киритилган


Бошқа даволаш муассасаларида “ўт қопининг ривожланиш аномалиялари” хато ташхиси бўйича ўтказилган операциялар ноадекват, деб ҳисобланиб, бунда УЎЙ кистаси аниқланмаган ва холецистэктомия (ХЭК) (1), ўт қопи атрофидаги битишмаларни бартараф этиш (1) кистоз-ўзгарган УЎЙга жарроҳлик аралашувисиз амалга оширилган. 7 нафар бола жигар эхинококкози бўйича операция қилинган, ЎЙКК операция пайтида аниқланган. Хирургнинг билиар кисталарни радикал даволаш борасида тажрибаси йўқлиги сабабли операциялар ўт-сафронинг ташқарига оқизилиши билан яқунланган.

УЎЙ кисталарида ташқи дренажлаш амалиёти 26 (35,1%) беморда ўтказилган. Бошқа даволаш муассасасидан келган 8 (10,8%) беморда асосан янглиш операция олди ташхиси сабабли кистостомия бажарилган. Кистани ташқи дренажлашга мутлоқ кўрсатмалар 74 бемордан 18 нафариди (24,3%) қўйидаги ҳолатларда берилган: обструктив холангиопатиялар, жигар етишмовчилиги ҳолатлари билан оғриган 9 (50%) нафар янги туғилган чақалоқ ва 6 ойликкача бўлган болаларда; яққол ифодаланган механик сариқлик, қон ивишининг кескин бузилиши қайд этилган 11 ойликдан 8,5 ёшгача бўлган 6 (33,3%) болада; ўт-сафроли перитонит билан асоратланган кистанинг ёрилиши - 3 болада (16,7%). Ўт-сафрони ичакка оқишини кистани кесиб ёки қисман кесиб бажаришнинг турли усуллари 62 (83,8%) беморда бажарилган.

Роух усули бўйича ГЭС операцияларида овқат ҳазм қилиш физиологияси бузилади, чунки ўт-сафро ЎИБИга тушмайди. Ўт йўллариининг 1,5 см гача диаметрдаги ва киста девори қалинлиги нормал бўлган цилиндрик кенгайишларида клапанли механизм билан гепатико- ёки холедоходуоденостомия қўйиш бажарилди (IAP 04889-сон ихтиро учун патент, 2014й.). Ушбу жарроҳлик амалиётида жигар ташқи кистоз кенгайган

ўт йўллариининг ўзгарган бўлимлари қисман кесилади, унинг деворидан елкан кўринишида ЎИБИ тирқишида осилиб турувчи ва овқат ўтаётганда аностамоз ўзанини ёпиб турувчи клапан ҳосил қилинади. Жигар ташқи ўт йўллари қисмларининг ЎИБИга ўт-сафро таркибини йўналтириш бўйича бурчак остида тахланиши ўт-сафрони эркин оқишини таъминлайди, массив дуоденобилиар рефлюкс пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. УЎЙнинг дистал қисмини беркитилиши анастомоз ости соҳада турли асоратларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи “кўр қопча” шаклланишининг олдини олиш имконини беради.

Материал таҳлили бемор умумий ҳолати, лаборатор ва инструментал текширув усуллари натижалари, эҳтимолий асоратлар, аввал ўтказилган оператив аралашув ҳолатини ҳисобга олган ҳолда индивидуал даволашнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатди Биз ЎЙКК билан оғриган болалар учун хирургик тактиканинг қуйидаги алгоритмини таклиф қиламиз (4-расм).



4-расм. Болаларда ЎЙКК хирургик тактика алгоритми.

ХУЛОСА

1. ЎЙККнинг энг кўп кузатиладиган анатомик шакллари асоратларсиз (6,6%) ёки асоратлар (93,4%) билан кечадиган I (72,4%) ва IV (25%) турлари ҳисобланади. Кистоз кенгайиш ўлчамлари, УЎЙнинг МОБ йўли билан ўзаро муносабати, панкреатикобилиар тизимидаги яллиғланиш, функционал бузилишлар ва органик ўзгаришлар ифодаланиши касалликнинг клиник намоён бўлиши ва кечишини белгилаб беради.

2. Янги туғилган чақалоқлар ва эрта кўкрак ёшидаги болаларда ЎЙКК 21,1% ҳолатда ҳомиладорлик даврида гепатобилиар тизимнинг зарарланиши сабабли юзага келадиган жигарнинг обструктив холангиопатия кўринишидаги декомпенсацияланган бузилишлари фонида кечади, бу эса даволаш натижаларига салбий таъсир этмасдан қўймайди.

3. Операциядан олдинги даврдаги хатолар ва турли асоратлар ривожланиши аниқ симптоматика йўқлиги, клиник белгиларнинг ўзига хос динамиклиги, турли мутахассислик шифокорларининг ўт йўллари кистоз нуқсонлари борасида етарлича ҳушёрлик ва маълумотга эга эмаслиги билан боғлиқ.

4. ЎЙККнинг клиник-анатомик шакллари ташхислаш ва хирургик тактикани аниқлашда операциядан олдинги комплекс текширувлар (УТТ, КТ) ва ИОХГ натижалари ҳал этувчи аҳамиятга эга. «Ўт ҳайдовчи нонушта»ли функционал динамик эхохолецистография операциядан олдинги ташхиснинг самарадорлигини оширади.

5. Тотал кистэктомия, Roux усули бўйича ГЭС (55 радикал операция қилинган беморлардан 80%) амалиётини қўллаш танлов усули ҳисобланади. Жигар ташқи ўт йўллариининг 1,5 см гача бўлган локал (цилиндрик) кенгайишларида (55 радикал операция қилинган беморлардан 9,1%) кистани кесиш ва ўт-сафрони ЎИБИга йўналтириб, ЎИБИ ичида елкан кўринишидаги осма клапанли проксимал холедохо- ёки гепатикодуоденоанастомоз яратиш мақсадга мувофиқ саналади.

6. Ўлим ҳолатлари кўрсаткичининг 8% (1979-2004 й.) дан 4% гача (2005-2016 й.), асоратларни 64% (1979-2004 й.) дан 34,7% гача (2005-2016 й.) пасайиши, 96,6% беморда яхши ва қониқарли натижаларнинг қайд этилиши таклиф қилинаётган диагностика ва оператив тактикани самарадорлигидан далолат беради. Асосий гуруҳда ЎЙККни операция олди тўғри ташхисоти таққослов гуруҳига – 42,3% (26 бемордан 11 та) нисбатан 90% ни (50 бемордан 45 та) ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА и ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ по ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

ТАШКЕНТСКИЙ ПЕДИАТРИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ЯКУБОВ ЭРКИН АМОНГЕЛДИЕВИЧ

**ДИАГНОСТИКА И ЛЕЧЕНИЯ КИСТОЗНОГО РАСШИРЕНИЯ
НАРУЖНЫХ ЖЕЛЧНЫХ ПРОТОКОВ У ДЕТЕЙ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.1.PhD/Tib144.

Диссертация выполнена в Ташкентском педиатрическом медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Эргашев Насриддин Шамсиддинович**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Алиев Махмуд Муслимович**
доктор медицинских наук, профессор

Акбаров Миршавкат Миролимович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Федеральное государственное бюджетное образовательное учреждение Высшего образования «Российский национальный исследовательский медицинский университет имени Н.И. Пирогова» Минздрава России, г.Москва, Россия**

Защита состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г.Ташкент, ул. Кичик халка йули,10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 42). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «аномалии органов пищеварения составляют до 20-25% всех врожденных пороков развития и являются актуальной проблемой детской гастроэнтерологии, что выводит эту патологию в разряд социально-значимой проблемы»¹. «Частота встречаемости кистозных расширений желчных протоков (КРЖП) колеблется 1 случай на 13000 - 2 миллиона населения в различных странах мира и составляет около 1% от всех неопухолевых заболеваний желчных протоков»². Однако в последнее время крайне редкая встречаемость патологии опровергается сообщениями об учащении случаев обнаружения её среди детей и взрослых. Трудности клинической диагностики обуславливают несвоевременное выявление и нерациональное лечение этих заболеваний, что нередко приводит к развитию холецистита, холангита и панкреатита. Несмотря на внедрение в клиническую практику современных методов диагностики, до сих пор наблюдаются случаи позднего выявления данной патологии с развитием осложнений, также отсутствуют адекватные диагностические критерии для подтверждения связи клинической картины кистозных расширений с анатомическими формами данной патологии.

С целью совершенствования диагностики, улучшения качества хирургического лечения КРЖП у детей в мире проводится целый ряд целенаправленных научных исследований, в том числе изучение причин поздней диагностики, возникновения осложнений, диагностических и тактических ошибок при КРЖП у детей с разработкой эффективных мер их профилактики. В настоящий период все большее внимание уделяется анализу эффективности различных оперативных вмешательств с определением оптимальной тактики и способа хирургического лечения в зависимости от размеров и анатомической формы КРЖП у детей, что в свою очередь позволяет улучшить качество оказываемой медицинской помощи. В соответствии с вышеизложенным, данная научно-исследовательская работа посвящена улучшению качества диагностики и результатов хирургического лечения детей с КРЖП путём оптимизации диагностической верификации с учётом анатомо-физиологического состояния внепеченочных желчных протоков и выбора оптимальной лечебной тактики.

В настоящий период одной из приоритетных задач отечественного здравоохранения является осуществление масштабных мероприятий по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению высокотехнологичной специализированной медицинской помощи. Решение данной проблемы тесно связано с пятью приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан на 2017–

¹ World Health Organization. Pediatric gastroenterology: fact sheet no. 12. World Health Organization website, 2016. <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs12/en>, accessed February 14

² Ma W, Tan Y, Shrestha A, Li F, Zhou R, Wang J, Hu H, Yang Q. Comparative analysis of different hepatico-jejunostomy techniques for treating adult type I choledochal cyst. // Gastroenterol Rep (Oxf). 2018 Feb;6(1):54-60.

2021 годы, направленных на «снижение уровня заболеваемости и смертности среди населения»³. Реализация данных задач, в том числе, по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи детям, улучшение результатов хирургического лечения детей с КРЖП на основе оптимизации диагностики, тактики и способа операции, является одним из актуальных направлений для исследования.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Указом Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию экстренной медицинской помощи» за № УП-4985 от 16 марта 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. КРЖП - одна из редких аномалий развития билиарного тракта, поражающая как внепеченочные, так и внутripеченочные желчных протоков. Внедрение высокоинформативных методов диагностики «существенно улучшило диагностику пороков развития желчевыводящих протоков (ЖВП) у детей» (Berger Y⁴). По мнению Francesca Pecchini⁵ «отсутствие четких клинических проявлений затрудняет постнатальную диагностику, в результате возникают осложнения в виде холангита, панкреатита, механической желтухи, желчного перитонита, холедохолитиза, развития билиарного цирроза печени и холангиокарциномы». Отсутствие единого подхода к выбору объема операции при кистах желчных протоков требует дальнейшего изучения и оценки отдаленных результатов различных оперативных вмешательств (Quintana A⁶). В связи с этим, улучшение диагностики КРЖП и определение оптимальной хирургической тактики в отношении пациентов с кистами желчных протоков представляется актуальной и требующей дальнейшего изучения проблемой.

Лечение КРЖП – только хирургическое. При этом существует несколько видов операций. Вопрос выбора оптимального, радикального хирургического лечения пациентов с КРЖП также остается актуальным. Со стороны многих ученых подтверждена целесообразность радикального иссечения кисты с

³ Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

